

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

КОМИЛОВ АВАЗБЕК БОКИЖОНОВИЧ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН
НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРНИ
ҚЎЛЛАШДАГИ МУАММОЛАР ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

**юримик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Комилов Авазбек Бокижонович

Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳукуқий воситаларни қўллашдаги муаммолар ва такомиллаштириш масалалари..... 3

Komilov Avazbek Bokijonovich

Problems of applying and issues of improving the legal means of the prosecutor's office in the activities of supervision over the execution of laws..... 33

Комилов Авазбек Бокижонович

Проблемы применения и вопросы совершенствования правовых средств органов прокуратуры в деятельности по надзору за исполнением законов..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 64

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

КОМИЛОВ АВАЗБЕК БОКИЖОНОВИЧ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН
НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРНИ
ҚЎЛЛАШДАГИ МУАММОЛАР ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

**юримик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.DSc/Yu234 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Пулатов Бахтиёр Халилович
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович
юримдик фанлар доктори, профессор

Джураев Ихтиёр Бахтиёрович
юримдик фанлар доктори, профессор

Давлятов Валишер Хакимжанович
юримдик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 14 октябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (69-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2025 йил 30 сентябрь куни тарқатилди.
(2025 йил 30 сентябрдаги 33-рақамли реестр баённомаси).




М.А. Аминжонова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор


Ш.И. Шайзаков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


В. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқтисодий ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилувчи юридик механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга доир масалалар устувор аҳамият касб этади. Бу борада, айнан прокурор ҳуқуқий воситалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий механизм сифатида майдонга чиқади. Шу боис, прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, фаолиятини бугунги замон ва халқаро стандартлар талаблари асосида тартибга солиш¹, прокуратура органларининг ҳокимият тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш², айниқса, прокурор ҳуқуқий воситаларини қўллаш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш масалаларини илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда прокуратура органларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу органлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ҳамда уларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш, прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ҳамкорлигини таъминлаш масалалари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, прокурорларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда касбий жавобгарлигининг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, прокурор ҳуқуқий воситаларини қўллаш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалаларига долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга тадқиқот йўналишлари сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда прокуратура фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 17-мақсадининг устувор йўналиши сифатида қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш, бу борада прокуратура органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратини ўзаро уйғунлаштирувчи янги тизим жорий этиш белгиланган³. Бироқ, глобал қонун устуворлиги индексининг 2024 йилги ҳисоботида Ўзбекистон 142 давлат орасида 83-ўринни эгаллаб, 2023 йилга

¹ <http://rm.coe.int/1680747391>

² <https://www.venice.coe.int.>, <https://www.icj.org/en>

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.05.2025 й., 06/25/87/0451-сон.

нисбатан 5 поғонага пастлаб кетганлиги ¹, прокурор текширувлари натижасига кўра аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони сўнгги 3 йилда 500 фоизга ошганлиги ² қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг етарлича самара бермаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, ҳозирги пайтда прокурор назорати амалиётида прокурор ҳуқуқий воситаларини қўллаш жараёнида тизимли муаммо ва хато-камчиликлар учраб турибди. Хусусан, Бош прокуратура томонидан қуйи прокуратура органларининг жойларда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти ҳамда ҳайъат қарорлари ижроси комплекс текширилганида, 2021-2024 йилларда ҳудудий прокуратуралар томонидан жами 300 дан ортиқ сифатсиз ва самарасиз прокурор текширувлари ўтказилганлиги, 4500 га яқин асоссиз ва сифатсиз назорат ҳужжатлари қўлланиб, жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Бу эса прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллаш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳали-ҳануз тўлақонли ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги билан бевосита боғлиқдир. Юқоридаги ҳолатлар юридик фан олдига қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллаш масалаларини таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий ечимлар ишлаб чиқиш вазифасини қўяди ҳамда диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2023), “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “Рақамли энержоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги (2023), “Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2024) фармонлари, “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2021) қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлат ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2024/ranking>

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ягона ҳисоботлар портали // <https://newreport.bp.gov/>

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Прокуратура мустақиллигини таъминлаш принциплари, прокурорларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда касбий жавобгарлигининг халқаро стандартлари, прокурор ҳуқуқий воситаларини қўллаш ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий тадқиқотлар халқаро ташкилотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида, жумладан International Association of Prosecutors (Нидерландия), The Consultative Council of European Prosecutors (Франция), Venice Commission of the Council of Europe (Франция), International Commission of Jurists (Швейцария), International Centre for Criminal Law Reform and Criminal Justice Policy (Канада), Ғарбий Украина миллий университети (Украина), Россия Федерацияси прокуратура университетининг илмий-тадқиқот институти (Россия), Қозоғистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Академиясининг Идоралараро илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон)да олиб борилмоқда.

Халқаро ташкилотлар, дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида қуйидаги илмий тадқиқот натижаларига эришилган, жумладан: барча прокурорлар учун касбий жавобгарлик стандартлари, уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги қоидалар таклиф этилган (International Association of Prosecutors), прокуратура органларини давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни бўйича гуруҳларга ажратиш таклиф этилган (The Consultative Council of European Prosecutors), прокурорлар мустақиллиги ва ҳисобдорлигининг халқаро принциплари ишлаб чиқилган (International Commission of Jurists), прокуратура органлари фаолиятига аралашмаслик кафолатлари, прокуратура мустақиллигини таъминлашнинг Европа стандартлари ишлаб чиқилган (Venice Commission of the Council of Europe), прокуратура органларининг қонунлар ижросини таъминлаш ва мустаҳкамлаш бўйича жавобгарлигини кучайтириш таклиф этилган (International Centre for Criminal Law Reform and Criminal Justice Policy), прокуратура органларининг халқаро амалиётда мавжуд моделларини қиёсий-ҳуқуқий ўрганган ҳолда фаолиятини такомиллаштириш таклиф этилган (Ғарбий Украина миллий университети), прокурор томонидан қонунийликни таъминлаш воситаларининг турлари ва ўзига хос хусусиятлари таклиф қилинган (Россия Федерацияси прокуратура университетининг илмий-тадқиқот институти), прокурор ҳуқуқий воситаси сифатида прокурор текширувларини ўтказиш тартиби ва босқичлари ишлаб чиқилган (Қозоғистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Академиясининг Идоралараро илмий-тадқиқот институти).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммоларни бартараф этиш ва прокурор ҳуқуқий

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ёритилган: <https://www.iap-association.org/>, <https://rm.coe.int/>, <https://www.coe.int/en/web/venice-comission/>, <https://www.icj.org/en/>, <https://icclr.org/>, <https://heinonline.org/HOL/>, <https://www.wunu.edu.ua/>, <https://agprf.org/>, <https://www.academy-gp.edu.kz/>.

воситаларини такомиллаштириш масалалари тадқиқот объекти сифатида илк марта ўрганилди. Ушбу мавзунинг умумий жиҳатлари А.Д.Давлетов, И.К.Джасимов, И.Б.Джураев, Д.Ш.Ибрагимов, З.С.Ибрагимов, О.М.Мадалиев, Г.Р.Маликова, М.М.Мамасиддиқов, М.Махбубов, Ф.Ҳ.Отахонов, Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Рустамбоев, Ш.Ж.Рахимов, А.Х.Саидов, М.Т.Абдухақимов каби миллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

МДҲга аъзо давлатларда қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида прокурор ҳуқуқий воситаларини қўллаш билан боғлиқ муаммолар, уларни бартараф этиш ҳамда прокурор ҳуқуқий воситаларини ҳуқуқий тартибга солиш каби масалалар Е.Ю.Алхутова, К.И.Амирбеков, О.Р.Безсалий, С.Д.Бекишева, С.Г.Бывальцева, М.В.Бызова, Т.А.Васильева, И.С.Викторов, А.Ю.Винокуров, О.В.Воронин, И.И.Головко, Н.П.Дудин, Е.Н.Докучаева, С.И.Джамбулатов, Е.Р.Ергашев, А.В.Ендольцева, С.К.Журсимбаев, Э.Р.Исламова, И.А.Иманов, О.С.Капинус, О.В.Калугина, Н.Р.Корешникова, О.Н.Коршунова, О.А.Козусева, С.А.Нурпеисов, Т.И.Отческа, П.А.Пригорща, Э.Н.Примова, Н.В.Субанова, В.Н.Титова, Ю.Н.Турыгин, И.В.Устищенко ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилганлиги диссертация мавзуси доирасидаги муаммоларга илмий қизиқиш катта эканлигидан далолат беради.

Хорижий олимлар Vera Langer (АҚШ), Yvon Dandurand (Канада), Jose Zeitune (Лотин Америкаси), James Hamilton (Ирландия), Jorgen Steen Sorenson (Дания), Hanna Suchoka (Польша)лар томонидан мазкур мавзуга доир баъзи масалалар ўрганилган¹.

Мамлакатимизда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳамда прокурор ҳуқуқий воситаларини такомиллаштиришга оид масалалар ҳозирги замон ривожланиш тенденциялари ва талаблари асосида бугунги кунга қадарли махсус тадқиқ этилмаган, алоҳида монографик тадқиқот ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг 2023 йил 17 январдаги (1-сонли баённома) мажлисида тасдиқланган ва академиянинг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммоларни бартараф этиш ва прокурор ҳуқуқий воситаларини такомиллаштиришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прокурор ҳуқуқий воситаларининг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш ва мазмун-моҳиятини очиб бериш;

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

прокурор ҳуқуқий воситаларининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

прокурор ҳуқуқий воситаларини тайёрлаш, тузиш ва қўллаш принципларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу принципларнинг мазмунини ёритиш;

прокурор ҳуқуқий воситаларини таснифлашга доир илмий ёндашувларни таҳлил қилиш;

прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий воситаларни қўллашнинг амалдаги ҳолатини ўрганиб, зарур илмий хулосалар шакллантириш;

хорижий мамлакатларда прокуратура органлари томонидан қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиб, уларнинг илғор тажрибасини юртимизда татбиқ этиш бўйича таклифлар илгари суриш;

прокурор назорати ҳужжатлари тушунчаси, ўзига хос белгилари, турлари ва прокурор назорати ҳужжатларининг мазмунига қўйилган талабларни тадқиқ этиш;

прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат йўналишида прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш;

қонунлар ижроси устидан прокурор текширувини қонун ҳужжатларида тартибга солишнинг аҳамиятини тадқиқ этиш ҳамда унга бўлган заруратни асослантириш;

прокурор текширувининг турлари ва уларни таснифлаш бўйича илмий ёндашувларни тадқиқ этиш;

прокурор текширувининг босқичлари ва ҳар бир босқичга хос асосий хусусиятларни тадқиқ этиш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш;

“хавфни таҳлил этиш” тизимини ўрганиш орқали уни қонунлар ижроси устидан прокурор назорати амалиётига жорий этишга оид хулосаларни асослантириш;

прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммоларни бартараф этиш ва прокурор ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллаш жараёнини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимли тузилмавий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, социологик сўров, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили,

қонун ҳужжатларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, мантикийлик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига зудлик билан барҳам бериш ҳақидаги прокурор талабини ўз ичига олган “прокурор талабномаси” назорат ҳужжатини қўллаш ваколатини прокуратура органларига бериш зарурлиги илмий асослантилган;

қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари ва уларнинг натижаси бўйича қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини Бош прокуратуранинг ягона ахборот тизимида жамлаш лозимлиги асослаб берилган;

прокурор назорати тадбирлари мобайнида ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шунингдек, мулк ҳуқуқларни вужудга келиши учун асос бўлган маъмурий ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида протест келтириш амалиётидан воз кечиш зарурлиги илмий асосланган;

прокурор назорати тадбирлари мобайнида мулк дахлсизлиги ва ерни тасарруф этиш билан боғлиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий ҳужжатларига нисбатан протест келтирмасдан, уларни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида белгиланган тартибда судларга ариза киритиш амалиётидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги илмий исботланган;

прокурор текширувини ташкил этиш ва ўтказишга доир, шу жумладан, прокурор текшируви тушунчаси, текшириш ўтказиш муддатлари, текширишда мутахассислар иштироки каби муҳим масалаларни “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда тартибга солиш зарурлиги илмий асосланган;

моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарорини қўллаш асослари ва уни кўриб чиқиш муддатларини “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга киритиш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“прокурор ҳуқуқий воситалари”, “прокурор таъсир чоралари” ва “прокурор назорати ҳужжатлари” каби тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

илмий-назарий қарашлар, миллий қонунчилик ва прокурор назорати амалиёти умумлаштирилиб, прокурор ҳуқуқий воситалари гуруҳларга таснифланган;

прокурор ҳуқуқий воситаларини қўллашнинг амалдаги ҳолати ўрганилиб, прокурор текширувларини режалаштириш ва ташкил этиш, прокурор назорати ҳужжатларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига салбий таъсир этувчи тизимли хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган 2 та йўналтирувчи хат, 1 та танбеҳ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга юборилган;

прокурор назорати ҳужжатларининг ҳар бир турини тайёрлаш ва расмийлаштиришда амал қилиниши зарур бўлган услубий-амалий талаблар баён этилган;

тадқиқотчи-олимларнинг илмий қарашлари ва прокурор назорати амалиёти ўрганилиб, прокурор текширувлари тўққизта жиҳатга кўра таснифланган;

прокурор текширувини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни тўрт босқичга бўлиниб, ҳар бир босқичда бажариладиган прокурор ҳаракатлари ва тадбирлар баён этилган;

прокурор текширувларини тартибга солиш мақсадида “Қонунлар ижроси юзасидан прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш, текшириш натижаларини расмийлаштириш ҳамда прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги Тартиб лойиҳаси ишлаб чиқилган;

прокурор назорати фаолияти ва прокурор текширувларига “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш юзасидан ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар асослантирилиб, прокурор назорати объектларини “юқори хавфли”, “ўрта хавфли” ва “паст хавфли” тоифаларга ажратиш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация хулосасида ўз аксини топган умумназарий хулоса ва тўхтамлар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар прокурор назорати фанида мавжуд назарий қарашларга, мазкур соҳадаги халқаро стандартлар, чет эл мамлакатлари қонунчилиги, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига, социологик сўров натижаларига асосланганлиги (4997 нафар прокуратура ходимларининг фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилди) билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2018-2024 йилларда қонунлар ижроси устидан назорат йўналишида ўтказилган 400 га яқин текшириш ҳужжатлари, уларда қўлланилган 3165 та прокурор назорати ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот мобайнида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “Рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-198-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 5 августдаги “Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тўғрисида”ги 30/91-22-07/86-сонли йўналтирувчи хатини ишлаб чиқиш ҳамда “Прокурор назорати” ахборот тизимини яратишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, юридик олий таълим ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида “Конституциявий ҳуқуқ”, “Прокурор назорати” модулларини илмий-назарий бойитишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига зудлик билан барҳам бериш ҳақидаги прокурор талабини ўз ичига олган “прокурор талабномаси” назорат ҳужжатини қўллаш ваколатини прокуратура органларига бериш зарурлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “Рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сонли Фармони бешинчи банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 24 мартдаги 30/71-25-сон далолатномаси*). Ушбу таклиф прокурор ваколатларини кенгайтириш орқали қонунлар ижроси устидан назорат самарадорлиги ва таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилган;

қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари ва уларнинг натижаси бўйича қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини Бош прокуратуранинг ягона ахборот тизимида жамлаш лозимлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги йилдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “Рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сонли Фармони еттинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 24 мартдаги 30/71-25-сон далолатномаси*). Мазкур таклиф прокурор назорати тадбирлари ва уларнинг натижаси бўйича қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини ягона ахборот базасида жамлаш орқали ҳисобот тизимини тартибга солишга хизмат қилган;

прокурор назорати тадбирлари мобайнида ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шунингдек, мулкӣ ҳуқуқларни вужудга келиши учун асос бўлган маъмурий ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида протест келтириш амалиётидан воз кечиш зарурлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкӣ муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-198-сонли Фармони биринчи банди а-кичик банди иккинчи хатбошиси ва биринчи банди в-кичик бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 24 мартдаги*

30/72-25-сон далолатномаси). Ушбу таклиф мулк ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилган;

прокурор назорати тадбирлари мобайнида мулк даҳлсизлиги ва ерни тасарруф этиш билан боғлиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий ҳужжатларига нисбатан протест келтирмасдан, уларни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида белгиланган тартибда судларга ариза киритиш амалиётидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 31 августдаги 7/12-22-101-сонли Кўрсатмаси иккинчи банди биринчи хатбошиси ва иккинчи банди учинчи хатбошисида ўз аксини топган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 24 мартдаги 30/70-25-сон далолатномаси*). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши прокурор протестини қўллаш асосларини янада аниқлаштириш имконини берган;

прокурор текширувини ташкил этиш ва ўтказишга доир, шу жумладан, прокурор текшируви тушунчаси, текшириш ўтказиш муддатлари, текширишда мутахассислар иштироки каби муҳим масалаларни “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солиш лозимлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги конституциявий Қонун лойиҳасининг 47-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмлари, 48-моддасининг учинчи ва тўққизинчи қисмларини ишлаб чиқишда инобатга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 20 мартдаги 27/2-60-25-сон далолатномаси*). Мазкур таклиф прокурор текширувини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ муҳим масалаларни қонун билан тартибга солиш имконини беради;

моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарорини қўллаш асослари ва уни кўриб чиқиш муддатларини “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга киритиш лозимлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги конституциявий Қонун лойиҳасининг 80-моддаси иккинчи қисмини ишлаб чиқишда инобатга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 20 мартдаги 27/2-60-25-сон далолатномаси*). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарорини қабул қилиш асослари ва муддатларини қонун билан тартибга солиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий журналларда 19 та (шундан, 3 таси хорижий) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 258 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Прокурор ҳуқуқий воситаларининг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланиб, унда прокурор ҳуқуқий воситаларининг илмий-назарий ва ҳуқуқий асосларининг таҳлили, прокурор ҳуқуқий воситаларини тайёрлаш, тузиш ва қўллаш принциплари билан боғлиқ масалаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари ўрганилган.

Ушбу бобнинг “Прокурор ҳуқуқий воситаларининг илмий-назарий асослари” деб номланган биринчи параграфида муаллиф томонидан “прокурор ҳуқуқий воситалари” ва у билан бевосита боғлиқ “прокурор таъсир чоралари” ҳамда “прокурор назорати ҳужжатлари” тушунчалари хусусидаги илмий ғоя ва ёндашувлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Прокурор назорати назариясида ушбу масала бўйича ҳанузгача ягона қарашлар шаклланмаганлиги қайд этилиб, прокурор ҳуқуқий воситалари тушунчаси остида прокурор ваколатлари ва уларни амалга ошириш шакллари тушунилиши ҳақида фикр билдирган олимлар (“мандаторлар” – *В.Бессарабов, А.Ю.Винокуров, А.Давлетов, В.Камышов, А.Мариничева, Т.Решетникова, А.Сухарев, С.Щерба*), ҳуқуқий воситалар қонун билан тартибга солинган прокурор ҳаракатлари эканлиги тўғрисида хулосага келган муаллифлар (“акторлар” – *Е.Ергашев, Н.Корешникова, О.Петрова, П.Пригорица, Ю.Турыгин*) ва ҳуқуқий воситалар тушунчасини турлича ракурсда таърифлаган олимларнинг (*К.Амирбеков, М.Бызова, О.Воронин, О.Кожевников, И.Магомедов, П.Химичева*) фикрлари 3 гуруҳга ажратилиб, илмий таҳлил қилинган.

Муаллиф биринчи илмий мактабга мансуб олимларнинг прокурор ҳуқуқий воситаларига нисбатан ёндашувларига қўшилмайди, унингча, “ҳуқуқий восита” гарчи “ваколат” билан узвий боғлиқ бўлса-да, бир хил категориялар эмас. “Прокурор ваколатлари” прокурорнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мажмуи ҳисобланса, восита эса бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга

ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарсa, қуролдир. Муаллифнинг фикрича, биринчи гуруҳга мансуб олимлар восита сифатида таъкидлаган нарсалар аслида ваколатдир. Диссертант иккинчи илмий мактаб олимларининг ёндашуви билан ҳам тўлақонли келишмайди, чунки прокурор ҳуқуқий воситалари фақатгина прокурор ҳаракатларида ўз аксини топмайди, балки прокурор ҳужжати (акт) билан ҳам ифодаланади. Муаллифнинг қарашлари К.Амирбеков, М.Бызова ва И.Магомедов сингари учинчи гуруҳ олимларнинг ғоялари билан нисбатан ҳамоҳанг эканлиги алоҳида таъкидланади. Диссертант прокурор ҳуқуқий воситалари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган прокурор ҳаракатлари ва ҳужжатлари бўлиб, улар орқали прокурор ваколатлари амалга оширилиши ҳақида ҳулосага келади.

Илмий ишда муаллиф эътиборни олимлар ўртасидаги “прокурор таъсир чоралари” ва “прокурор назорати ҳужжатлари” атамаларининг мазмуни ҳамда ўзаро нисбати борасидаги илмий баҳс-мунозараларга қаратади ва олимлар ушбу масалада ҳам ягона тўхтамга келмаганликларини қайд этади. Диссертант бу масалада тадқиқотчи ва олимларни шахсий қарашларига кўра 2 та гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ олимлар (*Е.Алхутова, М.Абдуҳақимов, Ш.Зокиров, Д.Ибрагимов, С.Кехлеров, В.Стрельников, И.Устименко*) “прокурор таъсир чоралари” ва “прокурор назорати ҳужжатлари” мазмунан бир тушунчалар эканлигини қайд этса, бошқалар (*Ю.Авагимова, О.Безсалий, М.Бызова, О.Воронин, Е.Ергашев, А.Карпова, П.Пригорца, Д.Этерия*) улар орасига тенглик белгисини қўйиш хато бўлишини таъкидлашади. Муаллиф “прокурор таъсир чоралари” ва “прокурор назорати ҳужжатлари”ни айнан бир тушунча деб ҳисоблаган олимларнинг қарашларига қўшилмайди ва улар билан илмий баҳсга киришади.

Диссертацияда прокурор ҳуқуқий воситаларини тайёрлаш, тузиш ва қўллаш принципларининг мазмуни, фанга кириб келиш тарихига ҳам урғу берилган. Муаллифнинг қарашларига кўра, прокурор ҳуқуқий воситаларини тайёрлаш ва қўллаш принциплари прокурор ҳуқуқий воситаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асоси ва тизим ҳосил қилувчи элементи бўлиб, прокурор ҳуқуқий воситаларининг самарали, натижадор ва таъсирчан бўлишига кўмаклашади. Илмий ишда ушбу принципларни батафсил тадқиқ этган кўплаб ҳуқуқшунос олимларнинг (*О.Безсалий, Е.Ергашев, Н.Корешникова, Ф.Отахонов, П.Пригорца, Б.Пўлатов, Ф.Рахимов, Ш.Саидов*) илмий-назарий қарашлари таҳлил қилиниб, уларнинг баъзилари билан илмий полемикага киришилган. Диссертант О.Безсалий, Н.Корешникова ва П.Пригорцанинг қарашларига тўлиқ қўшилмайди, чунки улар прокурор назорати ҳужжатларига мансуб асосий белгиларни прокурор ҳуқуқий воситаларини тайёрлаш ва қўллаш принциплари сифатида кўрсатиб, улар ўртасидаги фарқни умуман йўққа чиқариб юборганлар. Тадқиқотчи прокурор ҳуқуқий воситаларини тайёрлаш ва қўллаш принципларига: 1) қонунийлик; 2) прокурор томонидан прокурор ҳуқуқий воситаларини тайёрлаш ва қўллашда барчага бир хил муносабатда бўлиш; 3) қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларини режалаштириш ва ташкил этишнинг асосланганлиги; 3) ҳуқуқий воситаларни тайёрлаш ва қўллашда

прокурорнинг мустақиллиги; 4) прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралашувга йўл қўйилмаслиги; 5) прокурор ҳуқуқий воситаларини тайёрлаш ва қўллашда мақсадга мувофиқлик принципларини киритади ҳамда ҳар бирининг мазмун-моҳияти, ўзига хос жиҳатларини очиб беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Прокурор ҳуқуқий воситаларининг таснифи ва уларни назорат амалиётида қўллашнинг ҳозирги ҳолати”**га бағишланиб, унда прокурор ҳуқуқий воситаларини таснифлаш масалалари, прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий воситаларни қўллаш амалиёти, прокурор ҳуқуқий воситаларини қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси каби мавзулар тадқиқ этилган.

Муаллифнинг қайд этишича, прокурор ҳуқуқий воситалари турли-туман бўлиб, уларнинг тартибсизлиги мазкур воситаларни муайян белгилар асосида маълум бир тизимга солишни, тартибга келтиришни талаб қилади. Тадқиқот мобайнида прокурор ҳуқуқий воситаларини таснифлаган тадқиқотчи ва олимлар улар таклиф этган таснифлаш белгиларига кўра 2 та гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга прокурор ҳуқуқий воситаларини бир ёки иккита мезонга кўра таснифлаган олимлар (*С.Алексеев, Ю.Е.Винокуров, А.Долгова, О.Кожевников, А.Мариничева, С.Филипенко, Ф.Шваба*), иккинчи гуруҳга таснифлаш масаласига чуқурроқ ёндашиб, ҳуқуқий воситаларни нисбатан кенгроқ белгилар асосида тизимлаштирган олимлар (*М.Бызова, О.Воронин, А.Давлетов, Е.Ергашев, Н.Корешникова, П.Пригорца, Ю.Турьгин*) киритилган. Диссертантнинг қарашларига кўра, биринчи гуруҳга мансуб олимлар илгари сурган таснифларда, *биринчидан*, ҳуқуқий воситаларни таснифлаш асослари етарли эмас, *иккинчидан*, ушбу асослар бўйича прокурор ҳуқуқий воситаларини у ёки бу гуруҳларга ажратишда барча воситалар мансублигини тўлиқ аниқлаш имкони бўлмайди. Шу боис, муаллифнинг қарашлари кўпроқ иккинчи гуруҳга мансуб олимларнинг фикри билан мос тушади. Айниқса, Е.Ергашев ва Н.Корешниковалар таклиф этган таснифлаш ўзининг тўлиқлиги ҳамда қамрови кенглиги билан бошқалардан фаркланиб туради. Диссертант таснифлаш масаласида илмий-назарий қарашлар, миллий қонунчилик ва прокурор назорати амалиётини умумлаштирган ҳолда, уларни: мақсади, функционал мансублиги, норматив тартибга солиш манбаси ва ифодаланиш шаклига кўра таснифлашни таклиф этади.

Шунингдек, тадқиқот ишида прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий воситаларни қўллашнинг амалдаги ҳолати ўрганилган. Диссертант назорат амалиётида прокурор ҳуқуқий воситаларидан асосан прокурор текширувлари ва прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилишини таъкидлайди. Тадқиқотчи 2021-2024 йилларда қонунлар ижроси устидан назорат йўналишида ўтказилган текшириш материалларини ўрганиб, прокурор текширувларини режалаштириш ва ташкил этишда: қуйи прокуратуралар томонидан қонунийлик аҳволи чуқур таҳлил қилинмаслиги, текширишларнинг сифатсиз режалар асосида ўтказилиши, прокурор текширувларида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар четда қолиб, норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатлар ижросини текширишга эътибор қаратилиши, текшириш предмети ва объектларининг тўғри танланмаслиги, сифатсиз ва самарасиз текшириш

ўтказиш ҳолатларига йўл қўйилиши, текширишларда аниқланган қонунбузарликларга қатъий муносабат билдирмаслик каби тизимли хато-камчиликларга йўл қўйилаётганлигини қайд этади. Прокурор назорати ҳужжатларини қўллашда эса: прокурорлар томонидан асоссиз ва сифатсиз назорат ҳужжатлари қўлланилиши, ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатларга ўз вақтида муносабат билдирмаслик, бир турдаги прокурор назорати ҳужжатини бошқа турдаги назорат ҳужжати билан алмаштириб қўлланилиши, қўйи прокуратуралар томонидан ҳисобот кўрсаткичларини сунъий ошириб кўрсатиш, прокурор назорати ҳужжатлари кўриб чиқилиши устидан назоратнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги каби тизимли хато-камчиликлар ажратиб кўрсатилган. Улар ҳуқуқий воситаларни қўллаш жараёнида назорат таъсирчанлиги ва самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар ва сабаблар сифатида баҳоланган.

Диссертацияда прокурор ҳуқуқий воситаларини қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам ўрганилган. Муаллифнинг фикрича, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати Ғарб давлатлари амалиётида учрамайди, ушбу давлатларнинг аксариятида прокуратура жиноий таъқибни амалга оширади, жиноят ишларини тергов қилади ва дастлабки тергов устидан назорат қилади, полициянинг процессуал фаолияти (суриштирув) устидан раҳбарлик қилади, судларда жиноят ва фуқаролик ишлари (чекланган тоифадаги ишларда) кўрилишида иштирок этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Прокурор назорати ҳужжатлари қонун бузилишига нисбатан прокурор ҳуқуқий воситаларининг муҳим таркибий қисми”** деб номланиб, унда прокурор назорати ҳужжатлари тушунчаси, ўзига хос белгилари, турлари ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар, амалиётда прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ муаммолар, назорат ҳужжатларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи ишда прокурор назорати ҳужжатлари ва уларнинг ўзига хос белгиларига алоҳида урғу беради. Диссертант “прокурор назорати ҳужжатлари” тушунчасига нисбатан шаклланган илмий ёндашув ва қарашларни (*О.Воронин, И.Головкин, А.Давлетов, В.Дымолазов, Э.Исламова, Д.Ибрагимов, П.Любчикова, Н.Мельников, Д.Плугарь, Ш.Рахимов*) таҳлилий умумлаштирган ҳолда, ушбу тушунчага муаллифлик таърифини ишлаб чиққан. Диссертацияда прокурор назорати ҳужжатларига хос бўлган асосий белгилар борасидаги илмий-назарий ёндашувлар ва назорат ҳужжатларини амалиётда қўллашнинг ўзига хос томонлари ўрганилиб, прокурор назорати ҳужжатларига: қонунийлик, чекланган императивлик, тезкорлик (оперативлик), индивидуаллик, ишонтириш, натижадорлик, мақсадга мувофиқлик, билвоситалилик ва ёзма (ш.ж., электрон) шаклда ифодаланиш каби асосий белгилар мансублиги ҳақида хулосага келинган.

Тадқиқотчи диссертацияда прокурор назорати ҳужжатларининг турлари ва уларнинг мазмунига қўйилган талабларга ҳам кенг ўрин ажратган. Илмий ишда илк маротаба “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 38-42-моддаларида қайд этилган прокурор назорати ҳужжатларининг тарихи, ҳар

бир назорат ҳужжатиға хос бўлган хусусиятлар, уларни қўллаш асослари, шакли ва мазмуниға қўйилган талаблар ҳамда услубий-амалий кўрсатмалар алоҳида-алоҳида баён этилган.

Муаллифнинг фикрича, ҳозирда назорат тадбирларида энг кўп қўлланиладиган прокурор назорати ҳужжати – протест билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келган. Уларга: прокурор протестларининг асоссиз қаноатлантирилмаслиги (*2020-2024 йилларда деярли 12 минг ёки 10 фоиз протестлар қаноатлантирилмасдан қолган*), протестларнинг формал қаноатлантирилиши оқибатида, қонунбузарлик ҳолатининг амалда сақланиб қолаётганлиги, прокурор протестлари билан боғлиқ муҳим масалаларнинг (*протестни чақириб олиш ва ҳ.к.*) қонунчилик ва идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинмаганлиги киритилади.

Тадқиқот жараёнида прокуратура органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг ерга оид ва бошқа масалаларда ноқонуний қарорларига нисбатан протест келтириш амалиёти таҳлил қилинганда, прокурорлар протестларда қайд этган қонун бузилиши ҳолатлари амалда бартараф этилмасдан, протестларни фақат формал қаноатлантириш ҳолатлари мавжудлиги (*жами 110 та ҳолат*) аниқланган. Социологик сўровда иштирок этган респондентларнинг 53 фоизи протестлар натижаси бўйича қонун бузилиши ҳолати сақланиб қолаётганлигини, 68 фоизи протестларни белгиланган муддатда кўриб чиқмаслик, протестлар жавобини олиш учун кутиш ҳолатлари мавжудлигини қайд этган. Муаллиф ҳуқуқшунос олимларнинг (*М.Абдуҳақимов, А.Вишневская, А.Евдокимов, А.Жидких, В.Стрельников, В.Титова*) ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш прокурор учун протест келтиришга нисбатан муқобил вариант эканлиги ҳақидаги фикрларига қўшилади, шу билан бирга, хорижий давлатлар қонунчилигидан ҳам мисоллар келтиради. Муаллиф прокурорга қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатга протест келтириш ёки процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат этиш ҳуқуқининг берилиши прокурорда танлов имкони мавжуд бўлишига, унинг ваколати чекланиб қолишининг олдини олишга хизмат қилишини таъкидлаб, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни илгари сурган. Шу билан бирга, мулк даҳлсизлиги ва ерни тасарруф этиш билан боғлиқ ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан прокурор томонидан протест келтириш эмас, балки уларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида белгиланган тартибда судларга ариза киритиш амалиётидан кенг фойдаланиш зарур, деган хулосага келинган.

Тадқиқотчи бугунги кунда амалиётда мавжуд яна бир жиддий муаммо – прокурорлар томонидан асоссиз ва сифатсиз прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш муаммосига ҳам тўхталиб ўтган. 2018-2024 йилларда Бош прокуратура ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан ўтказилган ўрганишларда 4200 дан ортиқ асоссиз ва сифатсиз прокурор ҳужжатлари (*жумладан, 1000 ортиқ протест*) қўлланилганлиги таъкидланади. Муаллифнинг фикрича, юқоридаги муаммолар бир қатор эътибор талаб қиладиган жиҳатлар, хусусан: прокурор назорати ҳужжатлари устидан юқори

турувчи прокурорга ёки судга шикоят қилиш масаласининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилмаганлиги, назорат ҳужжатлари етарли асосларсиз киритилган деб топилганида чақириб олиш тартибининг мавжуд эмаслиги, асоссиз прокурор назорати ҳужжатларини прокуратура органлари фаолиятига доир “П” шаклидаги ҳисоботдан чиқариш масаласининг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, бу борада “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар илгари сурилган. Шунингдек, илмий ишда халқаро стандартлар талаблари, прокурор назорати амалиёти, олимларнинг қарашлари ва хорижий давлатлар тажрибаси (*Грузия, Молдова, Россия, Беларусь*)дан келиб чиқиб, миллий қонунчиликда барча прокурор назорати ҳужжатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби белгиланиши зарур, деган хулосага келинган.

Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида 500 га яқин прокурор тақдимномаларини ўрганиш якунига кўра, прокурорлар томонидан тақдимномани тайёрлаш, киритиш ва уни ижросини назорат қилиш борасида кўплаб тизимли камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, ўз навбатида, бу тақдимномаларнинг сифати, самарадорлиги ва таъсирчанлигига салбий таъсирини кўрсатаётганлиги қайд этилган. Диссертантнинг фикрича, амалиётда прокурор тақдимномасини кўриб чиқиш билан боғлиқ энг кенг тарқалган муаммо шундаки, тақдимномада кўрсатилган қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги прокурор талаблари кўпинча ҳақиқатда бажарилмай қолмоқда. Муаллиф бу ҳолат тақдимномада кўрсатилган талабларнинг мажбурий ижро этиш кучига эга эмаслиги билан узвий боғлиқлигини илмий-назарий қарашлар, хориж тажрибаси ва прокурор назорати амалиётидан мисоллар келтириш орқали асослаб берган.

Муаллифнинг фикрича, амалиётда прокурор огоҳлантирувлари аксарият ҳолларда содир этиб бўлинган қонунбузарлик факти бўйича хато қўлланилмоқда ёки прокурорда ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотларнинг мавжудлиги масаласи эътибордан четда қолмоқда. Тадқиқот мобайнида салкам 500 га яқин прокурор огоҳлантирувларини ўрганиш натижасида аниқланишича, қонун талабларига риоя этилмаслиги сабабли асоссиз огоҳлантирувлар (*ўрганилган огоҳлантирувларнинг деярли 30 фоизи*) эълон қилиш ҳолатлари мавжуд. Оқибатда, прокурор огоҳлантирувларининг самарадорлиги ва таъсирчанлиги йўқолиб бормоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 32-моддасида қайд этилган маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга прокурор томонидан расмий огоҳлантирилганига қарамасдан, ғайриқонуний ҳаракатларни давом эттиришни ҳам оғирлаштирув ҳолат сифатида киритиш таклиф этилган. Шу билан бирга, прокурор огоҳлантирувидан кейин унда кўрсатилган қонунбузарликни содир этганлиги учун маъмурий ёки жиноят иши қўзғатилган ҳолларда, огоҳлантирувни иш материалларига қўшиб қўйиш амалиётини жорий этиш зарур деган хулосага келинган. Мазкур таклифлар

қатор ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари (Т.Афанасьева, И.Макарчук, Т.Отческая, В.Панченко) билан ҳам асослантирилган.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида прокуратура органлари томонидан судларга ариза киритиш амалиёти ҳам таҳлил қилинган. Таҳлиллар прокурорлар томонидан тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар ўртасида тузилган шартнома ва келишувлардан келиб чиқувчи низоларга аралашиш, бунда муайян бир томон манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш амалиёти юзага келганлигини (*бу каби аризалар ушбу йўналишда киритилган аризаларнинг 20 фоизини ташкил этади*) кўрсатган. Диссертант шартномавий муносабатларда маълум бир тараф манфаатини кўзлаб ариза киритилиши процессуал қонунчиликдаги тарафлар тенглиги принципининг бузилишига, тарафларнинг давлат божини тўламаслик учун прокуратурага мурожаат этиш ҳолатининг доимий тус олишига олиб келиши ҳамда ташқи таъсирлар туфайли прокуратура ходимлари томонидан ножўя ва номуносиб хатти-ҳаракатлар (*коррупция ва ҳ.к.*) содир этилишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайди. Шунга кўра, юқоридаги каби низолар бўйича маълум бир тараф манфаатини кўзлаб прокурор томонидан даъво ариза киритишга йўл қўймаслик ҳақида амалдаги қонунчилик ва Бош прокурорнинг тегишли соҳавий буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилган.

Диссертацияда муаллиф айрим қонунчиликдаги бўшлиқларга урғу беради. Хусусан, ишда илк маротаба прокурорнинг моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорини қўллаш асослари ёритилган. Диссертант моддий жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинганлиги боис, прокурор томонидан моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш учун айбдор шахсга тўлиқ ёки қисман моддий жавобгарлик юклатилган ва у билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилган бўлиши шарт, деган хулосага келади.

Диссертант шуни алоҳида таъкидлайдики, ҳозирда қўлланаётган прокурор назорати ҳужжатлари аниқланаётган барча қонун бузилиши ҳолатидан келиб чиқадиган / келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олишга қодир эмас. Бу социологик сўров натижалари билан ҳам исботланган (*респондентларнинг 56 фоизи юқоридаги фикрни тасдиқлаган*). Шу сабабли, ҳозирда назорат ҳужжатларини янада такомиллаштиришга зарурат юзага келган. Тадқиқотчи прокурор томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш тўғрисидаги мажбурий талабни ўз ичига олган “прокурор талабномаси” номли прокурор назорати ҳужжатини Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига янги модда сифатида киритиш, ушбу моддада мазкур назорат ҳужжатини қабул қилиш асослари, кўриб чиқиш муддатлари, ҳужжат устидан шикоят қилиш тартибига доир масалаларни баён этишни таклиф этади. Ушбу таклиф хориж тажрибаси (*Беларусь, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон*), прокурор назорати амалиёти мисоллари билан асослантирилган. Мазкур ҳужжат ва унинг самараси ҳақида фикр билдирган кўплаб олимларнинг (*И.Джурсаев, А.Дарбинян, И.Иманов,*

Е.Коломеев, П.Пригорца, В.Трофимов, И.Устименко) қарашлари қўллаб-қувватланган. Муаллифнинг фикрича, ушбу назорат ҳужжати яққол кўзга ташланиб турган қонун бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар бузилишидан келиб чиқувчи жиддий оқибатларни, айниқса, унинг дастлабки босқичида бартараф этиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Прокурор ҳуқуқий воситалари тизимида прокурор текширувининг тутган ўрни”** деб номланган тўртинчи бобида қонунлар ижроси устидан прокурор текширувини қонун ҳужжатларида тартибга солишнинг зарурати ва аҳамияти, прокурор текширувининг турлари ва уларни таснифлаш масалалари, прокурор текширувининг босқичлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларига “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш масалалари кўриб чиқилган.

Аввало, тадқиқотчи қонунлар ижроси устидан прокурор текширувини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласи долзарб аҳамият касб этишини таъкидлайди. Бу борада қатор ҳуқуқшунос олимлар (Д.Белоусова, С.Бывальцева, П.Гордынец, Е.Докучаева, О.Дейнеко, М.Запрудская, А.Зейнулла, Э.Исламова, Г.Маликова, С.Нурпеисов, Б.Пўлатов, Ф.Рахимов)нинг илмий-назарий ёндашувларини таҳлил қилади. Муаллиф прокурор текширувларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қарши чиққан Д.Белоусова ва К.Амирбеков каби олимларнинг фикрига қўшилмайди. Диссертант ўз позициясини: *биринчидан*, прокурор текширувига оид масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши прокуратура ходимларида текширишни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги шахсий масъулият ҳамда ёндашувни кучайтириши; *иккинчидан*, текширилувчи субъектлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг тўлақонли таъминланишига хизмат қилиши; *учинчидан*, прокуратура органлари томонидан текширилувчи субъектларнинг оператив-хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олди олиниши; *тўртинчидан*, текширилувчи субъектлар томонидан келгусида прокурорнинг текширув билан боғлиқ ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш эҳтимолини пасайтириши; *энг муҳими* – прокурор текширувларини ташкил этишда сонга эмас, балки сифатли текширув ўтказишга интилиш ҳиссининг кучайишига олиб келиши, натижада, текширишлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги ошиши билан изоҳлайди.

Диссертант прокурор текширувларини ҳуқуқий регламентлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ҳали ўзининг бошланғич нуқтасида турибди, деган тўхтамга келган. Унинг фикрича, прокурор текширувининг ҳуқуқий асослари заиф ва мазкур фаолиятни амалга оширишнинг илмий-методологик асослари ҳали ишлаб чиқилмаган. Айни пайтда, қонунлар ижроси устидан назорат функцияси сақланиб қолаётган Россия, Қозоғистон, Беларусь, Туркменистон ва Қирғиз Республикасида юқоридаги масалалар Ўзбекистонга нисбатан мукамалроқ ҳамда тўлиқроқ тартибга солинган. Шу сабабли, қисқа муддатда прокурор ҳуқуқий воситалари, биринчи навбатда, прокурор текширувини ташкил этиш ва ўтказишга доир, жумладан: прокурор назорати

тадбирларининг шакллари, прокурор текширувини ўтказиш муддатлари, текширувчи ва текширилувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, текширишда мутахассислар иштироки, текширишни тўхтатиш ва қайта тиклаш асослари, текшириш якунида расмийлаштириладиган ҳужжатлар, текшириш ҳаракатлари ва қарорлар устидан шикоят қилиш тартиби каби масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида, батафсил тарзда Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида тартибга солинишини лозимлиги таъкидланиб, тадқиқотчи томонидан “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси янги таҳрири ҳамда Бош прокурор буйруғи билан тасдиқланадиган “Қонунлар ижроси юзасидан прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш, текшириш натижаларини расмийлаштириш ҳамда прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги Тартиб лойиҳаси тайёрланган.

Шунингдек, муаллиф тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган прокурор текширувларини қонун ҳужжатларида тартибга солиш масаласи ҳам очиқ қолаётганлигини таъкидлайди. Бу масалада “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларда бир-бирига тескари жиҳатлар мавжуд. Шу сабабли, тадқиқотчи соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текшириш ўтказиш ваколатига эга орган сифатида прокуратура органларини назарда тутиш ёки бундай текширувларни Бош прокурор буйруғи билан тасдиқланадиган низомда (*адлия органларидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида рўйхатдан ўтказган ҳолда*) регламентлаштириш таклифини билдиради.

Бундан ташқари, тадқиқотчи прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида юзага келаётган бошқа муаммоларга ҳам диққатни қаратади. У қонунчиликда бирламчи тартибга солиниши зарур бўлган энг муҳим масалалар сифатида прокурорнинг текширилаётган объект ҳудуди ва бино-иншоотларига киришига тўсқинлик қилиш (*респондентларнинг 20 фоизи ушбу муаммо билан тўқнаш келган*), текшириш жараёнида юзага келган саволларга ойдинлик киритиш учун прокуратурага чақирилган шахсларнинг узрли сабабсиз келишдан бош тортиши (*29 фоиз респондент тўқнаш келган*), прокурор сўровига кўра ҳужжат ва маълумотларни тақдим этишни пайсалга солиш, ишончсиз маълумот тақдим этиш (*47 фоиз респондент тўқнаш келган*) каби прокурор текширув ҳаракатларига тўсқинлик қилиш ҳолатларини кўрсатади. Муаллиф бу борада олимларнинг (*Д.Белоусова, Э.Исламова ва б.лар*) илмий-назарий қарашлари, хорижий тажрибани (*Россия, Беларусь, Қирғиз Республикаси, Қозғистон, Тожикистон ва Туркменистон*) ҳам тадқиқ қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини 6¹-модда билан тўлдириш, прокурор чақирувига асосан узрли сабабсиз келмаган шахсларни прокуратурага мажбурий келтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатини “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг

197-моддаси диспозициясини прокурорнинг текширилаётган объект ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга тўсқинлик қилганлик ёки асоссиз рад этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норма билан тўлдириш ҳақидаги таклифларни асослантирган.

Илмий ишда прокурор текширувининг турлари ва уларни таснифлаш масалалари ҳам ёритилган бўлиб, тадқиқотчи бу масалада миллий ва хорижий олимларнинг (Е.Алхутова, Т.Казина, О.Коришунова, О.Мадалиев, Б.Пўлатов, Н.Субанова, Т.Сушина, Т.Шеркулова, С.Хусейнова) фикрлари ҳамда прокурор назорати амалиётини ўрганиш асосида прокурор текширувларининг қуйидаги таснифини илгари суради: 1) прокурор фаолияти йўналишига кўра: назорат текширувлари ва назорат билан боғлиқ бўлмаган текширувлар; 2) предметига кўра: мақсадли ва комплекс текширувлар; 3) прокурор текширувини режалаштириш ва ташкил этиш асосларига кўра: режали ва жорий (режадан ташқари) текширувлар; 4) текширув асосининг хусусиятига кўра: текшириш учун асос талаб қиладиган ва асос талаб қилмайдиган текширувлар; 5) текширув сабабига кўра: сигнал (хабарлар) бўйича ўтказиладиган текширувлар ва прокурорларнинг ташаббусига кўра ўтказиладиган текширувлар; 6) муқаддам ўтказилган текширувга нисбатан: назорат тартибидаги, қўшимча ва такрорий текширувлар; 7) текширувчи субъектлар доирасига кўра: махсус прокурор текширувлари, ҳамкорликдаги (аралаш) текширувлар ва идоравий текширувлар (ваколат берилган); 8) текшириладиган органлар доирасига кўра: битта органда ўтказиладиган, бир нечта органда ўтказиладиган ва битта ташкилот тузилмасидаги бир неча тармоқда бир пайтда ўтказиладиган текширувлар; 9) текшириш ўтказиш даврийлигига кўра: ҳар ойда, ҳар чоракда ва ҳар ярим йилда ўтказиладиган текширувлар.

Диссертант томонидан прокурор назорати назарияси ва амалиётида прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари борасида ҳалигача ягона тўхтамга келинмаганлиги аниқланиб, прокурор текширувлари 3 босқичда (*тайёргарлик кўриш, бевосита текшириш ўтказиш ва ҳуқуқий баҳо бериш*) ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳақида фикр билдирган (С.Баранов, С.Джамбулатов, О.Коришунова, Н.Мельников, К.Разногузов, Н.Субанова, С.Щерба), текширув якунига кўра қўлланилган прокурор таъсир чораларининг амалда ижро этилиши устидан назорат босқичини алоҳида якуний босқичи эканлигини таъкидлаган (И.Иманов, С.Нурпеисов, А.Щербаков) ҳуқуқшунос олимлар икки гуруҳга ажратилиб, таҳлил қилинган. Муаллиф ўз қарашларини иккинчи гуруҳ олимларининг фикрлари билан мос келишини таъкидлайди. Тадқиқотчи прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини: 1) режалаштириш (*текширишга тайёргарлик кўриш*); 2) асосий – бевосита текшириш ўтказиш; 3) текширишда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш; 4) якуний – қўлланилган прокурор таъсир чораларининг (ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари) амалда ижро этилиши устидан назорат босқичига ажратади ҳамда ҳар бир босқичда прокуратура ходими томонидан профессионал

даражада ва масъулият билан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритмини келтиради.

Диссертацияда бугунги кун учун ниҳоятда долзарб масала – қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларига “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш масаласига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Муаллиф прокурор назорати ва прокурор текширувларига “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш зарурлиги тўғрисида асосли фикр-мулоҳазалар илгари сурган тадқиқотчи-олимларнинг (А.Бильдейко, И.Джураев, С.Журсимбаев, Д.Ибрагимов, Ю.Руденя,) қарашларини қўллаб-қувватлайди. Прокурорнинг назорат фаолияти ва текширувларига “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этишга қарши бўлган А.Ершов каби олимлар билан илмий баҳсга киришади. Муаллиф прокуратура органлари томонидан текширишлар сони 2024 йилда 2021 йилга нисбатан 40 фоизга, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш кўрсаткичи 522 фоизга ошганлиги прокурор текширувлари кутилган таъсир ва самара бермаётганлигини кўрсатади, деган тўхтамга келади. Шунингдек, прокурор текширувларининг самарадорлиги ва таъсирчанлиги сусайиб бораётганлиги, текширувларни режалаштиришда назорат объектларини “хавфни таҳлил этиш”га асосланган ёндашув билан эмас, балки “ёппасига” қамраб олишга ҳаракат қилинаётганлиги сифатсиз ва асоссиз текширувлар (бундай текширишлар сони 321 тани ташкил этган) ўтказилишига олиб келаётганлигини таъкидлайди. Диссертант илмий-назарий ёндашувлар, хориж тажрибаси, прокурор назорати амалиётига асосланиб, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати объектларини ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфига кўра “юқори хавфли”, “ўрта хавфли” ва “паст хавфли” тоифаларга ажратишни таклиф этган ҳамда бу борада тегишли таснифлаш мезонларини ишлаб чиққан.

ХУЛОСА

“Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммолар ва такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги диссертация якуни бўйича назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Прокурор назорати фанида “прокурор ҳуқуқий воситалари” категориясига нисбатан “мандаторлар” ва “акторлар” илмий мактаблари шаклланган бўлиб, биринчи илмий мактаб намоёндалари прокурор ҳуқуқий воситаларини мазмун жиҳатидан прокурор ваколатлари билан бир хил эканлигини таъкидласа, “акторлар” ҳуқуқий воситалар қонун билан тартибга солинган прокурор ҳаракатларидан иборат деган қарашни даъво қилади. Юқоридаги илмий мактаблар “прокурор таъсир чоралари” ва “прокурор назорати ҳужжатлари”ни прокурор ҳуқуқий воситалари билан бир бутунликда кўрмайди. Гарчи, ҳуқуқий восита ваколат билан боғлиқ бўлса-да, улар бошқа-бошқа категориялар эканлиги, шу билан бирга, улар биргина прокурор ҳаракатларида ҳам ўз аксини топмаслиги, ушбу атамага нисбатан

инклюзив ёндашув мақсадга мувофиқ бўлиши тўғрисидаги илмий қараш илгари сурилди.

Ўз навбатида, “прокурор таъсир чоралари” ва “прокурор назорати ҳужжатлари” ҳам бир хил маъноли тушунчалар бўлмай, прокурор таъсир чоралари прокурор назорати ҳужжатларини қамраб олиши ва айти пайтда бу икки тушунча “прокурор ҳукукий воситалари”нинг таркибий қисми ҳисобланиши ҳақида ҳулосага келинди.

2. Илмий ишда “прокурор ҳукукий воситалари”, “прокурор таъсир чоралари” ва “прокурор назорати ҳужжатлари” тушунчалари концептуал ва методологик жиҳатдан таҳлил этилиб, қуйидаги муаллифлик таърифлари шакллантирилди:

“Прокурор ҳукукий воситалари” – бу прокурорлик фаолиятида қўлланиладиган, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган прокурор ҳаракатлари ва ҳужжатлари мажмуи бўлиб, улар орқали прокурор ваколатлари амалга оширилади.

“Прокурор таъсир чоралари” – прокурор ҳукукий воситаларининг таркибий қисми бўлиб, прокурорнинг назорат ва назорат билан боғлиқ бўлмаган фаолиятида қўлланиладиган, аниқланган қонун бузилишига нисбатан ҳукукий таъсир кўрсатиш бўйича шакл ва усуллар йиғиндиси.

“Прокурор назорати ҳужжатлари” – прокурор таъсир чораларининг муҳим таркибий қисми бўлиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатини бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган, ўзига хос белгилари билан бошқа прокурор ҳужжатларидан фарқланувчи, ёзма (ш.ж., электрон) шаклда ифодаланадиган, прокуратура органларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан фақатгина назорат фаолиятида қонунда белгиланган тартибда қўлланиладиган махсус ҳукукий ҳужжатлардир.

Ушбу тушунчаларнинг фанга киритилиши ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, прокурор назорати фани учун илмий методологик функцияни бажаради.

3. Ўзбекистон миллий қонунчилиги ва прокуратура органларининг идоравий ҳужжатларида прокурор ҳукукий воситаларига доир баъзи нормалар учраса-да, улар прокурор ҳукукий воситаларини ҳар томонлама ва тўлақонли тартибга солишга қодир эмас. Айниқса, прокурор текширувларини тартибга солувчи ҳукукий асосларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга бўлган зарурат бугунги кунда ўта муҳим аҳамиятга эга. Прокурор текширувининг ҳукукий асослари заиф ва мазкур фаолиятни амалга оширишнинг илмий-методологик асослари ишлаб чиқилмаган. Прокурор текширувларини ҳукукий регламентлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ҳали ўзининг бошланғич нуқтасида турибди. Шу сабабли, қисқа муддатларда прокурор ҳукукий воситалари, биринчи навбатда, прокурор текширувини ташкил этиш ва ўтказишга доир долзарб масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида, батафсил тарзда Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида тартибга солинишини лозим бўлади (*Лойиҳалар диссертация иловасида келтирилган*).

4. Прокурор ҳукукий воситаларини тайёрлаш ва қўллаш принциплари ушбу воситаларни тайёрлаш ва қўллаш жараёнини юридик тартибга солишнинг бошланғич асоси ва тизим ҳосил қилувчи элементи бўлиб майдонга чиқади. Улар прокурор ҳукукий воситаларининг янада самарали, натижадор ва таъсирчан бўлишига кўмаклашади. Илмий ишда прокурор ҳукукий воситаларини тайёрлаш ва қўллаш принципларига қонунийлик, прокурор томонидан прокурор ҳукукий воситаларини тайёрлаш ва қўллашда барчага бир хил муносабатда бўлиш, қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларини режалаштириш ва ташкил этишнинг асослантирилганлиги, ҳукукий воситаларни тайёрлаш ва қўллашда прокурорнинг мустақиллиги, прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралашувга йўл қўйилмаслиги ҳамда прокурор ҳукукий воситаларини тайёрлаш ва қўллашда мақсадга мувофиқлик принциплари мансублиги ҳақида ҳулосага келинди. Прокуратура ходимлари юқоридаги принциплар мазмунидан келиб чикувчи талабларга риоя этишлари, прокурор ҳукукий воситаларини тайёрлаш ва қўллаш билан боғлиқ барча ҳаракатларини қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда амалга оширишлари шарт.

5. Прокурор ҳукукий воситаларининг хилма-хиллиги уларни муайян белгилар асосида маълум бир тизимга солишни тақозо қилади. Тадқиқот мобайнида прокурор ҳукукий воситаларининг турларини мақсади, функционал мансублиги, норматив тартибга солиш манбаси ва ифодаланиш шаклига кўра таснифлаш таклиф этилди. Диссертацияда қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида айни пайтда қўлланилаётган прокурор ҳукукий воситалари: 1) *мақсадига кўра*: а) қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлашга қаратилган воситалар ҳамда б) аниқланган қонун бузилишига нисбатан таъсир кўрсатиш воситаларига; 2) *функционал мансублигига кўра*: а) прокурор назорати воситалари ва б) прокурор назорати билан боғлиқ бўлмаган воситаларга; 3) *норматив тартибга солиш манбасига кўра*: а) процессуал назорат воситалар ва б) непроцессуал назорат воситаларга; 4) *ифодаланиш шаклига кўра*: а) ҳаракатлар ва б) ҳужжатларга таснифланди.

6. Қонун бузилиши ҳолатини аниқлаш бўйича прокурорнинг ҳал қилувчи ҳукукий воситаси ҳисобланган прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни прокуратура ходимидан юқори даражада масъулият билан ёндашувни талаб қилади. Бироқ, прокурор назорати амалиётида сифатсиз ва самарасиз текширувлар ташкил этиш ва ўтказиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Бу борада прокурор текширувларининг пухта тайёргарликсиз, юзаки режалар асосида ташкил этилиши, текшириш аввалида соҳадаги қонунчилик аҳволининг чуқур таҳлил қилинмаслиги, текширишларда қонунлар ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлар четда қолиб, норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатлар ижросини текширишга эътибор қаратилиши, текшириш предмети доираси тўлиқ аниқланмасдан, ўрганилиши лозим бўлган масалалар батафсил белгилаб олинмаслиги, текширишда иштирок этувчи мутахассисларнинг билим ва тажрибаси

қониқарсизлиги каби омил ва сабаблар текширишлар сифати, самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги асослаб берилди.

7. Прокурор текшируви бир хилда такрорланувчи, статик ҳаракатлар мажмуи эмас, балки динамик жараёндир. У текшириш объекти, унинг ўзига хос хусусиятлари, текширишда ўрганиладиган масалалар ҳамда танланадиган текшириш услуби ва тактикасига қараб прокурор назорати фанида биридан фарқланувчи алоҳида турларга ажратилади. Диссертацияда прокурор текширувининг турларига нисбатан илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ёндашувлар ўрганилиб, уларни прокурор фаолиятининг йўналиши, предмети, текширишни режалаштириш ва ташкил этиш асослари, текшириш асосининг хусусияти, текшириш сабаби, муқаддам ўтказилган текширувга нисбатан муносабат, текширувчи субъектлар доираси, текшириладиган органлар доираси ва текшириш ўтказиш даврийлигига кўра таснифлаш таклиф этилди.

8. Прокурор назорати назарияси ва амалиётида прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари тўғрисида яқдил ёндашув ва қарашлар ҳанузгача шаклланмаган. Тадқиқот мобайнида прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни тўртта босқичга: режалаштириш (тайёргарлик кўриш), асосий, ҳуқуқий баҳо бериш ва якуний босқичларга ажратилди. Ҳар бир босқичда прокуратура ходими томонидан профессионал даражада ва масъулият билан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритми баён этилди. Текшириш якунига кўра қўлланилган прокурор таъсир чораларининг тўлиқ ижро этилиши устидан назорат жараёни ҳам текширишни ташкил этиш ва ўтказишнинг алоҳида босқичи эканлиги, текшириш ўтказилган объектлар фаолиятининг келгусида қонуний асосларда йўлга қўйилиши, ўтказилган текширишнинг самарадорлиги, қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг таъсирчанлиги айнан мазкур босқич билан узвий боғлиқ эканлиги илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди. Прокурор томонидан ушбу босқичга нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлиниб, қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилмас экан, прокурор текширувидан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, деган хулосага келинди.

9. Прокурор назорати ҳужжатлари бошқа прокурор ҳужжатларига нисбатан ўзига хос белгилари билан ажралиб туради. Айни пайтда, ушбу белгилар прокурор назорати ҳужжатининг самарали ва таъсирчанлигини таъминлашга кўмаклашади. Илмий ишда бу борадаги илмий-назарий ёндашувлар ва назорат ҳужжатларини амалиётда қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилиб, прокурор назорати ҳужжатларига қонунийлик, чекланган императивлик, тезкорлик (оперативлик), индивидуаллик, ишонтириш, натижадорлик, мақсадга мувофиқлик, билвоситалилик ва ёзма (ш.ж., электрон) шаклда ифодаланиш каби асосий белгилар мансублиги ҳақида хулоса илгари сурилди.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқ ва кўрсатмаларида, Бош прокуратура ҳайъати қарорларида прокурорлардан

прокурор назорати ҳужжатларининг сифати ва таъсирчанлигини таъминлаш, уларни асоссиз ва қонунга зид қўллаш ҳолатларига батамом чек қўйиш доимий равишда талаб этиб келинмоқда. Шунга қарамай, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар томонидан қўйи прокуратуралар прокурор назорати ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва сифатини ҳар ойда ўрганиб бориб, уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш юзасидан Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи талаблари лозим даражада бажарилмаяпти. Оқибатда, ҳудудларда буйруқ талаблари бузилиб, асоссиз ва сифатсиз назорат ҳужжатлари қўллаш билан боғлиқ жиддий хатокамчиликларга йўл қўйиб келинмоқда. Диссертацияда прокурор текшируви натижалари бўйича асоссиз ва сифатсиз прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш, қўйи прокурорлар томонидан бир турдаги прокурор назорати ҳужжатини бошқа турдаги назорат ҳужжати билан алмаштириш, ҳисобот кўрсаткичларини сунъий ошириб кўрсатишга уриниш, ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан назорат ҳужжатлари белгиланган тартибда кўриб чиқилишини назорат қилмаслик каби сабаблар прокурор назорати ҳужжатларининг сифати ва таъсирчанлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги илмий-амалий жиҳатдан асослантирилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан қўлланиладиган ҳукуқий воситалар, айниқса, прокурор текширувлари якунига кўра қўлланиладиган прокурор назорати ҳужжатлари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонун бузилишининг ҳақиқатда бартараф этилишига эришиш, бузилган ҳукуқларни тиклаш ва содир этилган қонунбузарликнинг хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини белгилаш, профилактик таъсир ўтказиш мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши керак. Қонунлар ижроси юзасидан прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида прокуратура органларининг текширилаётган субъект (объект) билан ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар улар фойдасига талқин этилиши зарур.

12. Миллий қонунчиликда прокурор назорати ҳужжатлари устидан юқори турувчи прокурор, айниқса судга шикоят қилиш масаласининг тартибга солинмаганлиги оқибатида назорат ҳужжатларини қўллайдиган прокурор шахсий масъулият ва жавобгарлик ҳиссидан озод бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, ҳатто қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилувчи прокурор ҳам назорат ҳужжатларини асоссиз ва ноқонуний қўллаши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди. Шунга кўра, илмий ишда халқаро стандартлар талаблари, прокурор назорати амалиёти, олимларнинг қарашлари ва хорижий давлатлар тажрибаси (Грузия, Молдова, Россия, Беларусь ва ҳ.к.)дан келиб чиққан ҳолда, миллий қонунчиликда барча прокурор назорати ҳужжатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби белгиланиши зарур, деган хулоса илгари сурилди. Ушбу мақсадда прокурор назорати ҳужжатлари устидан юқори турувчи прокурорга ёки судга шикоят қилиш ҳукуқи ва муддатларини Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура

тўғрисида”ги Қонунида мустаҳкамлаш зарурлигига оид таклиф асослаб берилди. Шубҳасиз, прокуратура органлари ходимлари касбий малакаси ва амалий тажрибаси жиҳатидан элитар ҳуқуқшунослар сирасига киради. Улар тор доирадаги идоравий манфаатларни кўзламайди. Шу билан бирга, прокурор назорати ҳужжатлари устидан юқори турувчи прокурор, айниқса, судга шикоят қилиш тартибининг белгиланиши прокурорлар корпусининг мазкур ҳужжатларни қўллашда ҳушёр тортишга, касбий малакасини мунтазам ошириб бориш учун интилишга, қонун устуворлигининг юқори даражада таъминланишига, энг асосийси – назорат амалиётида прокурорлар томонидан сифатсиз, асоссиз ва ноқонуний назорат ҳужжатлари қўлланилишини олдини олишга хизмат қилади.

II. Прокурор ҳуқуқий воситаларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир хулоса ва таклифлар:

13. Қонунга зид ҳужжатга нисбатан прокурорга протест келтириш ёки процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш масаласини ҳал этишда прокурорга танлов имкониятини беришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддасига (Прокурор протести) киритиш зарурлиги ҳақидаги таклиф илгари сурилган.

14. Диссертацияда прокурорлар томонидан асоссиз ва сифатсиз прокурор назорати ҳужжатларини (ш.ж., прокурор протестларини) қўллаш каби салбий ҳолатга барҳам бериш мақсадида:

а) қонунлар ижроси устидан назорат йўналишида келтирилган ва юқори турувчи прокурор томонидан асоссиз ва ноқонуний деб топилган прокурор назорати ҳужжатларини (ш.ж., прокурор протестларини) чақириб олишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига киритиш;

б) қуйи турувчи прокурорлар томонидан қўлланилган асоссиз ва ноқонуний прокурор назорати ҳужжатларини прокуратура органлари фаолиятига доир “П” шаклидаги ҳисоботдан чиқариш тартиби ва муддатларини Бош прокурорнинг 2017 йил 18 декабрдаги 177-сон буйруғи билан тасдиқланган “Прокуратура органлари фаолиятига доир “П” шаклидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномада акс эттириш тўғрисидаги таклифлар илгари сурилди.

15. Илмий ишда қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, прокурор ваколатларини кенгайтириш, прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш асосларини аниқлаштириш, қонунлар ижроси устидан назорат самарадорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни (шу жумладан, электрон ҳужжатлар) тақдим этиш тўғрисидаги сўров хатини ижро этиш муддатлари ва истисно этувчи ҳолатларни аниқ белгилашни назарда тутувчи б¹-модда билан тўлдириш;

б) Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 40-моддасини прокурор тақдимномасида кўрсатилган қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги прокурор талабларининг бажарилиши мажбурийлиги, тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиниши шартлигини назарда тутувчи норма билан тўлдириш;

в) Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддасига моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор моддий жавобгарликка тортиш ва бевосита моддий зарарни ундириш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс) томонидан ушбу ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқирилиши, кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши шарт эканлигини белгиловчи норма киритиш;

г) бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни самарали ва тезкорлик билан ҳимоя қилиш воситаси сифатида қонунбузарликка зудлик билан барҳам беришни назарда тутувчи “прокурор талабномаси” деб номланган янги 42¹-модда билан Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини тўлдириш лозимлиги асослаб берилди.

16. Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, бу каби прокурор текширувларини қонун ҳужжатлари билан аниқ тартибга солинишини таъминлаш мақсадида:

а) қабул қилиниши кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодекси ёки соҳага доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда (Президент Фармони ва ҳ.к.) тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текшириш ўтказиш ваколатига эга давлат органи сифатида прокуратура органларини ва қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати соҳаларини назарда тутиш;

б) (ёки), прокурор назорати тартибида амалга ошириладиган назорат тадбирларини фақатгина Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган тартибда ўтказилишига доир нормани Қонуннинг 21-моддасига киритиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган прокурор текшируви тартибини Бош прокурор буйруғи билан тасдиқланадиган низомда (адлия органларидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида рўйхатдан ўтказган ҳолда) тартибга солиш ҳақидаги таклиф илгари сурилди.

III. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга доир хулоса ва тавсиялар:

17. Прокурор протестини асоссиз кўриб чиқмаслик, пайсалга солиш ва рад қилиш, протест самарадорлиги ва таъсирини кучайтириш, ғайриқонуний ҳужжатни қабул қилишдан келиб чиқувчи салбий оқибатларни тезкорлик

билан бартараф этиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг оператив тикланишини таъминлаш мақсадида диссертацияда мулк дахлсизлиги ва ерни тасарруф этиш билан боғлиқ ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан прокурор томонидан протест келтириш эмас, балки уларни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида белгиланган тартибда судларга ариза киритиш амалиётидан кенг фойдаланиш зарурлиги илмий-амалий жиҳатдан асослантирилди.

18. Илмий ишда прокурор огоҳлантирувининг сифати ва таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 32-моддасида қайд этилган маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга прокурор томонидан расмий огоҳлантирилганига қарамасдан, ғайриқонуний ҳаракатларни давом эттиришни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритиш, шу билан бирга, прокурор огоҳлантирувидан кейин унда кўрсатилган қонунбузарликни содир этганлик учун маъмурий ёки жиноят иши қўзғатилган ҳолларда, огоҳлантирувчи ушбу маъмурий ёки жиноят иши материалларига шахсни содир этган ғайриқонуний қилмишига нисбатан субъектив муносабатини ифодаловчи ҳужжат сифатида қўшиб қўйиш амалиётини жорий этиш таклиф этилди.

19. Шартномавий муносабатларда маълум бир тараф манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиниши оқибатида тарафлар тенглиги принципининг бузилиши, айрим ҳўжалик юритувчи (тадбиркорлик) субъектлар томонидан белгиланган давлат божини тўламаслик учун прокуратура органларига мурожаат этиш ҳолатининг мунтазам тус олиши, ташқи таъсирлар туфайли прокуратура ходимлари томонидан ножўя ва номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида диссертацияда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддаси ва Бош прокурорнинг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғига прокуратура органлари томонидан ҳўжалик юритувчи (тадбиркорлик) субъектлар, фуқаролар ўртасида тузилган ўзаро шартнома ҳамда келишувлардан келиб чиққан низолар бўйича маълум бир тараф манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш, шу жумладан, даъво ариза киритишга йўл қўймаслик бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимча киритиш таклифи илгари сурилди.

20. Прокуратура органлари томонидан текшириш ўтказиш жараёнида юзага келаётган айрим муаммолар (прокурорнинг текширув ҳаракатларига тўсқинлик қилиш, прокурор чақирувига кўра ҳозир бўлишдан бўйин товлаш ва ҳ.к.) ва илғор хорижий тажрибани назарий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш натижасига кўра:

а) прокурор чақирувига асосан текшириш жараёнида юзага келган саволларга аниқлик киритиш мақсадида тушунтириш бериш учун узрли сабабсиз келмаган шахсларни прокуратурага мажбурий келтириш тўғрисида

қарор қабул қилиш ва ички ишлар органлари орқали ижро этиш ваколатини Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасида мустаҳкамлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 197-моддаси (Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик) диспозициясини вазирликлар, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга тўсқинлик қилганлик ёки асоссиз рад этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норма билан тўлдириш таклифи билдирилди.

21. Прокурор назорат фаолияти ва прокурор текширувларига “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этишга бўлган зарурат ҳамда унинг аҳамияти илмий-амалий жиҳатдан асослантирилиб, ушбу мақсадда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати объектларини ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфига кўра баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиққан ҳолда, “юқори хавфли”, “ўрта хавфли” ва “паст хавфли” каби тоифаларга ажратиш; бунда прокурор текширувларини фақатгина “юқори хавфли” назорат объектларида ўтказиш, “ўрта хавфли” назорат объектларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига урғу бериш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст объектлар фаолиятига умуман аралашмаслик, уларда назорат тадбирлари ўтказмаслик зарур, деган хулосага келинди. Прокурор назорати объектларини тоифаларга ажратишда инсон факторини истисно қилувчи илғор ахборот технологиялари (сунъий интеллект)ни қўллаш ижобий самара бериши таъкидланди.

22. Илмий ишда прокурор назорати объектларини ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфига кўра таснифлаш мезонлари сифатида: а) муайян давр мобайнида назорат объекти фаолиятига доир прокуратурага келиб тушган шикоятлар сони ва уларни текшириш натижалари; б) ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтларида назорат объекти фаолиятига доир эълон қилинган хабарлар ҳамда уларни текшириш натижалари; в) назорат объектида назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш натижалари; г) назорат объектида прокуратура органлари томонидан муқаддам ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузарлик ҳолатларининг бартараф этилган/этилмаганлиги (назорат тартибида ўтказиладиган текширишлар натижалари асосида); д) назорат объектига оид тезкор-қидирув ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан прокуратура органларига тақдим этилган “оператив маълумотлар” ва уларни кўриб чиқиш натижалари; е) прокурор томонидан назорат объекти фаолиятида бевосита аниқланган қонун бузилиши ҳолатларининг сони ва уларнинг хусусияти каби мезонларни кўрсатиш таклиф қилинди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 AT THE LAW ENFORCEMENT ACADEMY
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**THE LAW ENFORCEMENT ACADEMY
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

KOMILOV AVAZBEK BOKIJONOVICH

**PROBLEMS OF APPLYING AND ISSUES OF IMPROVING THE LEGAL
MEANS OF THE PROSECUTOR'S OFFICE IN THE ACTIVITIES OF
SUPERVISION OVER THE EXECUTION OF LAWS**

**12.00.07 - Judicial authority. Prosecutorial supervision. Organization of law enforcement
activity. Advocacy**

**DISSERTATION ABSTRACT
of doctor of science (DSc) in law**

Tashkent – 2025

The theme of doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the ministry of higher education, science and innovation of the Republic of Uzbekistan with number B2023.1.DSc/Yu234.

The dissertation is prepared at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the website of the Scientific Council (www.proacademy.uz) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:

Pulatov Baxtiyar Xalilovich

Doctor of Sciences in Law, Professor

Official opponents:

Mamasiddiqov Muzaffarjon

Musajonovich

Doctor of Sciences in Law, Professor

Djurayev Ixtiyor Baxtiyorovich

Doctor of Sciences in Law, Professor

Davlyatov Valisher Xakimjanovich

Doctor of Sciences in Law, Professor

Leading organization:

**Academy of Justice of the Republic of
Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held at 10⁰⁰ on 14th October 2025 at meeting of the Scientific Council DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan (Address: 100190, Rikhsili street, 9. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

The dissertation is available at the Information Resource Centre of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan (registered No.69), (100190, Rikhsili street, 9. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 202-04-96.

The abstract of the dissertation is distributed on 30 September in 2025.
(Registry Protocol No.33 on 30 September 2025).



M.A.Aminjonova
Chairman of the Scientific Council
awarding scientific degrees, Doctor of
Science in Law, Professor

Sh.I.Shayzakov
Scientific secretary of the Scientific
Council awarding scientific degrees,
Doctor of Philosophy in Law, Docent

V.Karimov
Chairman of the scientific seminar at the
Scientific Council awarding scientific
degrees, Doctor of Science in Law,
Professor

Introduction (annotation of doctoral dissertation (DSc))

The relevance and necessity of the dissertation topic. In all developed countries of the world, issues related to the improvement of legal mechanisms that reliably and effectively protect the rights and freedoms of citizens, as well as the legally protected interests of society and the state, are of paramount importance. In this regard, prosecutorial legal means come to the fore as a legal mechanism that ensures the supremacy of the law, strengthens legality, and protects the legally protected interests of the individual, society, and the state. Therefore, it is of great importance to scientifically study the issues of precisely defining the legal status of prosecutorial bodies, regulating their activities in accordance with the requirements of modern times and international standards¹, ensuring the true independence of prosecutorial bodies from the branches of government², and, in particular, creating and strengthening the legal foundations of relations related to the use of prosecutorial legal means.

A number of scientific studies are being conducted around the world on improving the organizational and legal foundations of prosecutorial bodies, strengthening the openness and transparency of these bodies' activities and their accountability to society, and ensuring cooperation between prosecutorial bodies and civil society institutions as well as citizens. In particular, special attention is paid to issues such as strengthening the normative and legal foundations of the basic rights, obligations, and professional responsibility of prosecutors, and legally regulating relations related to the use of prosecutorial legal means – research areas of significant scientific and practical value.

Systematic reforms are being implemented in our country to improve the organizational and legal foundations of the activities of prosecutor's offices. For example, the priority direction of Goal 17 of the “Development Strategy of New Uzbekistan for 2022–2026,” approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 dated January 28, 2022, is to create a solid legal basis for open and fair prosecutor's office activities that strictly ensure legality, and to make the principle “Law is paramount, punishment is inevitable” the main criterion. In this regard, the aim is to introduce a new system that harmonizes state and public control in exercising control over the clear and uniform implementation of laws by prosecutor's offices³. However, the fact that Uzbekistan ranked only 83rd out of 142 countries in the 2024 Global Rule of Law Index, a decline of 5 places compared to 2023⁴, and the fact that the number of violations identified by prosecutorial inspections has increased by 500 percent over the past three years⁵, indicate that prosecutorial supervision over the execution of laws is not sufficiently effective. Also, in current prosecutorial supervision practice, systemic problems and errors in the application of prosecutorial legal means are still encountered. In

¹ <http://rm.coe.int/1680747391>.

² <https://www.venice.coe.int>., <https://www.icj.org/en>

³ National Database of Legislative Information, 20.05.2025, No. 06/25/87/0451.

⁴ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2024/ranking>

⁵ Unified Reporting Portal of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan // <https://newreport.bp.gov/>.

particular, during a comprehensive audit of the activities of lower prosecutorial bodies in the regions to strengthen legality, protect the rights and freedoms of citizens, and implement the decisions of the board, it was found that between 2021 and 2024, regional prosecutorial offices conducted more than 300 low-quality and ineffective prosecutorial inspections, applied about 4,500 unfounded and low-quality control acts, and made serious errors and shortcomings. This is directly related to the fact that relations related to the use of legal means in the supervision of the implementation of laws by prosecutorial bodies have not yet been fully regulated by law. The above circumstances set the task for legal science to scientifically analyze the issues of the use of legal means in the supervision of the execution of laws, identify systemic problems, and develop scientific solutions to eliminate them, thus highlighting the high relevance of the dissertation topic.

This dissertation is carried out in accordance with the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prosecutor's Office” (2001), the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022–2026” (2022), “On the Strategy of Uzbekistan – 2030” (2023), “On Improving State Control Mechanisms in the Fuel and Energy Sector and Introducing the ‘Digital Energy Control’ System” (2023), “On Measures to Strengthen Control Over Compliance with and Implementation of Legislation in the Field of Poverty Reduction and Social Protection of the Population” (2024), the Resolution “On Additional Measures to Strengthen Control Over the Implementation of the Program for the Development of Social and Production Infrastructure of the Republic of Uzbekistan and Other State Programs” (2021), and other regulatory legal acts on the topic. This research contributes to their implementation to a certain extent.

Compliance of the research with the priority directions of the republican science and technology development. This dissertation was carried out in accordance with the priority direction of Republican Science and Technology Development, Section I: “Spiritual, moral and cultural development of a democratic state and legal society, and the formation of an innovative economy.”

Review of foreign scientific research on the topic of the dissertation¹. Scientific research on the principles of ensuring the independence of prosecutorial bodies, the basic rights and obligations of prosecutors, standards of professional responsibility, and the use of legal means by prosecutorial bodies and their legal regulation has been conducted in international organizations, higher educational institutions, and research centers of developed foreign countries, including the International Association of Prosecutors (Netherlands), the Consultative Council of European Prosecutors (France), the Venice Commission of the Council of Europe (France), the International Commission of Jurists (Switzerland), the International Centre for Criminal Law Reform and Criminal Justice Policy (Canada), West

¹The review of foreign scientific research on the topic of the dissertation is based on the following sources: <https://www.iap-association.org/>, <https://rm.coe.int/>, <https://www.coe.int/en/web/venice-comission/>, <https://www.icj.org/en/>, <https://icclr.org/>, <https://heinonline.org/HOL/>, <https://www.wunu.edu.ua/>, <https://agprf.org/>, <https://www.academy-gp.edu.kz/>.

Ukrainian National University (Ukraine), the Scientific Research Institute of the University of the Prosecutor's Office of the Russian Federation (Russia), and the Interdepartmental Research Institute of the Law Enforcement Academy under the Prosecutor General's Office of the Republic of Kazakhstan (Kazakhstan).

The following scientific research results have been achieved in international organizations, leading scientific centers, and higher educational institutions around the world, including: standards of professional responsibility for all prosecutors and rules on their basic rights and obligations have been proposed (International Association of Prosecutors); a proposal has been made to divide prosecutorial bodies into groups according to their place in the system of state authorities (Consultative Council of European Prosecutors); international principles of independence and accountability of prosecutors have been developed (International Commission of Jurists); guarantees of non-interference in the activities of prosecutorial bodies and European standards for ensuring the independence of the prosecutorial body have been developed (Venice Commission of the Council of Europe); recommendations have been made to strengthen the responsibility of prosecutorial bodies for ensuring and strengthening the implementation of laws (International Centre for Criminal Law Reform and Criminal Justice Policy); it has been suggested to improve the activities of prosecutorial bodies through a comparative legal study of existing models in international practice (West Ukrainian National University); the types and specific features of means of ensuring legality by the prosecutor have been proposed (Scientific Research Institute of the University of the Prosecutor's Office of the Russian Federation); and, as a prosecutor's legal tool, the procedures and stages of prosecutor's investigations have been developed (Interdepartmental Research Institute of the Law Enforcement Academy of the Republic of Kazakhstan).

